



# Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 14 fevral № 7 (544)

Sotuvda narxi erkin



«Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки биноси.  
Л.ТУРСУНОВ суратга олган

## ПОЧТА ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

«Ўзбекистон почтаси» ДАК почта хавфсизлиги хизмати 2001 йилнинг охирида ташкил этилган.

Почта хавфсизлиги хизматининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланган:

- почта алоқаси объектларининг хавфсизлиги, барқарор хизмат кўрсатишига йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва ташкил этиш;
- почта жўнатмаларида тақиқланган қурол-яроғ, портловчи моддаларнинг вазифаларини аниқлаш ҳамда тарқатилишининг олдини олишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- почта алоқаси объектларида назорат ўтказиш ва ички объект тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тартиб талаблари бажарилишини таъминлаш;
- жойларда почта жўнатмалари ва пул маблағларини қабул қилиш, сақлаш, ишлов бериш, ташиш ҳамда топшириш жараёнларида белгиланган талаб ва меъёрларга риоя этилишини на-

зорат қилиш;

- почта қоидалари, Бутунжаҳон Почта Иттифоқи Конвенцияси ва регламент талабларининг бузилиши натижасида почта жўнатмалари ичига солинган нарсаларнинг шикастланиши, бузилиши, жўнатма ҳамда пенсия маблағларининг йўқолиши ва камомати юзга келган бўлса, ушбу ҳолатлар бўйича синчковлик билан текширувлар ўтказилишини ташкил этиш;
- почта алоқаси хавфсизлигини таъминлаш борасида Давлат бошқаруви, ҳукумат органлари ва ҳуқуқни сақлаш идоралари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;
- почта хавфсизлиги соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш.

Сунгги пайтда почта хавфсизлиги хизмати (ПХХ) ўз олдида кўйилган вазифаларни бажаришда қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, 2002 йилнинг 1 чорагида почта хавфсизлиги хизмати штати тўлдирилиб, барча ҳудудий почта алоқаси ташкилотларининг ПХХ бўлимларига инспекторлар тайинланди ҳамда почта хавфсизлиги борасида

почта жўнатмаларини махус назоратдан ўтказувчи кадрлар билан тулиқ таъминланди. Шунингдек, почта қоидалари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга (жами 7 та меъёрий ҳужжат) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бешта янги меъёрий ҳужжат ва почта хавфсизлиги хизмати инспекторларига ишни ташкил қилишда ёрдам берувчи иккита услубий кўрсатма ишлаб чиқилиб, амалга киритилди.

Харид қилинган почта хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган махус асбоб-ускуналар «Ўзбекистон почтаси» ДАК корхоналари ўртасида тақсимланди. Почта жўнатмаларига ишлов бериш жараёнида иштирок этувчи барча ходимлар шахсий ҳимоя воситалари, почта жўнатмалари қабул қилиш ва ишлов бериш иш жойлари эса дезинфекция воситалари билан таъминланди.

Почта хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган янги тайёрланган меъёрий ҳужжатлар ва амалдаги меъёрий ҳужжатларга киритилган қўшимчаларни ўрганиш бўйича барча ҳудудий ПХХ (Давоми 2-бетда.)

## OLAMDA NIMA GAP?

•Yangiliklar •Voqealar •Xabarlar

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 феврал куни Оксаройда АҚШнинг «Дана-ванг» компанияси президенти Уильям Данавагини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси биносида мамлакатимизнинг Лондондаги дипломатик миссияси ва Британиянинг «Great Silk Road World» нашриети ҳомийлигида ташкил этилган «Дунё болалар нингоҳида» номли болалар расмлари кўргазмаси очилди.

Мамлакат жамоатчилиги эътиборига илк бор Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи тасвирий санъат студияси болаларининг 70 дан зиёд ижодий иши намойиш этилди.

Индонезия Президенти Мегавати Сукарнопутри Россияга ташриф буюрмоқчи. Бу ҳақда Индонезия Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби хабар берди. Унинг айтишича, ҳали аниқ муддат белгилангани йўқ. Ташриф мартда ёки апрелда бўлиши кутямоқда.

АҚШ маъмурияти Чили ва Сингапур билан эркин савдо амалиётини жорий этиш тўғрисидаги келишувга имзо чекидан аввал уни расмий равишда Конгрессга ҳавола этди. Конгресс аъзолари келишув бандлари билан танишиб, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, сўнг ўз фикрларини билдириши керак. Бунинг учун 90 кун муҳлат берилди.

Ироқ Президенти Саддам Хусайн ўз хоҳиши билан лозимидан воз кечиб, мамлакатдан чиқиб кетадиган бўлса, Швейцария унга сиёсий бошпана бериши мумкинлигини мамлакат Ташқи ишлар вазири Мишел Калми-Рей маълум қилди. Бу ҳақда [Alomova.com](http://Alomova.com) сайти хабар тарқатди.

Танқиддан со'нг

## КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Сурхондарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан олиб борилган текширишлар натижасида «Сурхондарё Телеком» филиали иш фаолиятида аҳолининг эътироз ва шикоятларига сабаб бўлган бир қатор камчиликлар борлиги аниқланиб, бу ҳақда «Хабар» газетасининг ўтган йилги 25 январ, 4-сонида «Сарфланган сармоя самара берсин» сарлавҳали танқидий мақола берилган эди. Мақолада келтирилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан «Сурхондарё Телеком» филиали раҳбарияти қатор ишларни амалга оширди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Термиз шаҳрига туташ бўлган Янгиариқ, Жайронхона қишлоқлари станциялари орасида ўрнатилган, бироқ узоқ вақтдан буён ишламаётган ИКМ-15, ОВ-2-2 ускуна ва линиялари қайта таъмирланди. Янгиариқ станциясига АОН қурилмаси ўрнатилиб, ишга туширилди. Натижада Жайронхона қишлоғи аҳолиси Термиз шаҳри би-

лан, Янгиариқ қишлоқ аҳолиси эса исталган йўналиш бўйлаб автоматик равишда боғланиш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари ушбу қишлоқларда шахарлараро сўзлашув масканлари очилди. Шунингдек, «Шимоллий ҳалқа» деб аталмиш Денов, Шўрчи, Қорлиқ туман марказларида ўрнатилган рақамли станцияларни ишга тушириш мақсадида мазкур станциялар орасида оптик-толали кабел ётқизиблиб, станциялар ўзаро боғланди. Барча ўлчов параметрлари натижаси яхши чиққандан кейин яқка тартибдаги ва комплекс синовлар ўтказилиб, ўтган йилнинг декабр охирида ушбу объектни топширишга эришилди. Бу билан Шўрчи, Қорлиқ станциялари Денов шаҳрида ўрнатилган база станция билан боғланди ва бу туманлар аҳолиси учун исталган манзилга автоматик равишда чиқиш имконияти яратилди.

**Ж.МУРАТОВА,**  
Сурхондарё вилояти  
Давлат алоқа  
инспекцияси бошлиғи

## АДАБИЙ ҲЕЧА БҲАЛБ ҲИДОИ

Тадбир

Тошкент ахборот технологиялари университетида университетнинг Маънавий-маърифий ишлар бўлими, «Ўзбек ва рус тили» кафедраси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари биргаликда Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллиги ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллигига бағишланган адабий тадбир ўтказилди. Университетда Навоий ва Бобур ҳаётини акс эттирувчи деворий газеталар, китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбирда талабалар Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари — «Лайли ва Мажнун», «Саъйи сайёр», «Лисонун-тайёр», «Фарҳод ва Ширин» дан парчалар намойиш этилди, алломанинг рубоийла-



ри ва ҳикматли сўзларидан шунингдек, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг газалларидан намуналар ўқидилар. Тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Н.МУМИНОВ

## ЛИЦЕЙДА НАВОИЙХОНИК

Тошкент ахборот технологиялари университети тасаруффидаги лицей-интернатда А.Навоий таваллудининг 562 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди. «Ўзбек, рус ва хоржий тиллар» кафедраси мудири Ж.Тўхтаев, ўзбек тили ўқитув-

чиси М.Хасанов раҳбарлигида синфлараро навоийхонлик мушоираси уюштирилди. Энг яхши шеър, газал ва рубоийни ёддан айтиб берган ўқувчилар муқофотлар билан тақдирланди.

**А.ХУСАНОВА**

# ПОЧТА ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

бўлинмалари инспекторлари, Агентликнинг почта алоқаси бўлими, ДАИ мутахассислари, Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчилари иштирокида икки марта семинар ўтказилди.

Терроризм билан курашга қўмаклашиш дастури доирасида Ўзбекистон ҳукумати ҳамкорлигида АҚШ давлат департаменти томонидан ўтказилган ўқув курсида барча ПИХ инспекторлари ўқутилди. Ўқув курси натижалари бўйича акциядорлик жамиятларида почта жўнатмаларига ишлов бериш жараёнига алоқадор почта алоқаси ходимлари билан семинарлар ўтказилди. Жойлардаги почта хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ҳамда почта жўнатмаларига ишлов бериш жараёнига алоқадор почта алоқаси ходимлари почта хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича АҚШнинг почта инспекцияси ва почта хизмати, Бутунжаҳон Почта Иттифоқи почта хавфсизлиги ҳаракат гуруҳи, Россия Федерацияси почта хавфсизлиги хизмати, "Ўзбекистон почтаси" ДАК почта хавфсизлиги хизмати томонидан ишлаб чиқилган қўлланма ҳужжатлари билан таништирилди. Халқаро ва ички почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ҳамда ташиниш почта хавфсизлиги даражасини ошириш борасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компанияси ҳамда Давлат боқхона қўмитаси томонидан қўшма чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Портловчи мослама, бактериологик, радиоактив, кимёвий, заҳарли ва бошқа хавфли моддалар борлиги гумон қилинган почта жўнатмалари аниқланганда акциядорлик жамиятларнинг ҳудудий Фавқулодда Вазиятлар бошқармалари (ФВБ), Ички Ишлар бошқармаси (ИИБ), Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ), Санитар эпидемиология станцияси (СЭС) билан ҳамкорликда бажариладиган

ишлар режаси (Мазкур режалар Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ФВБ, ИИБ, СЭС, МХХ раҳбарияти билан келишилган ва тегишли акциядорлик жамияти раҳбари томонидан тасдиқланган.) ишлаб чиқилди.

"Наманган почтаси", "Қашқадарё почтаси", "Сирдарё почтаси", "Тошкент почтама", "Тошкент почтаси", "Фарғона почтаси" ва "Хоразм почтаси" акциядорлик жамиятларида ФВБ, ИИБ, СЭС билан биргаликда "Почта жўнатмаларида номаълум кукунсифат моддалар аниқланганда ходимлар ва раҳбарларнинг ҳаракатлари" мавзусида қўшма махсус-тактик машғулотлар ўтказилди. Машғулотлар жараёнида номлари қайд этилган илора ва почта алоқаси корхоналарининг ўзаро ҳаракатлари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга Россия Федерацияси (ФУДК "Халқаро почтама"), Тула вилояти ПАФБ) Почта хавфсизлиги хизматиининг иш тажрибаси ўрганиб чиқилди. Ортирилган билим асосида "Халқаро почтама" АЖ технология жараёни устидан видеоназорат ҳамда почта алоқаси объектига кириш устидан назорат эъзуви системаларининг ўрнатилиши тақлиф этилди. Ҳозирги кунда ушбу кўрсатилган лойиҳани қўллаш борасида иш олиб боришмоқда.

Почта хавфсизлиги хизмати бўлинмалари зиммасига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш борасида 2002 йил, 1 июндан бошлаб барча акциядорлик жамиятларининг алмашув пунктларида, жумладан "Халқаро почтама" АЖда ҳам почта жўнатмалари махсус назоратдан ўтказилмоқда.

Халқаро почта жўнатмаси ичига солинган нарсаларнинг этишмаслик ҳолатлари борасида олувчиларнинг аризаларига асосан олпига хизмат текшируви ўтказилди. Текширувларда жўнатма ичига солинган нарсаларнинг ўрниларида Ўзбекистон почта алоқаси корхоналарининг айби аниқланмади. Шунингдек, почта жўнатмаларига ишлов беришда технология меъёр ва талабларга риоя этилиши бўйича 218 та, почта объектилари ва почта ташиниш йўналишларида почта жўнатмалари ҳамда пул маблағларини сақлаш шартнослари юзасидан 246

та, почта хавфсизлиги бўйича 343 та почта алоқаси объектилари биринчиларининг назорат текшируви ўтказилди. Текширув натижаларига кўра почта жўнатмалари ва пул маблағлари сақланишининг таъминлашда қўрилган лозим бўлган чоралар юзасидан тақлифлар ҳамда қўриқлаш-ҳимоялаш тадбирларини мукамаллаштириш борасида 82 та ахборот хатлари тайёрланди.

Почта хавфсизлиги масалаларини юзасидан амалга киритилган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш мақсадида 7955 нафар почта алоқаси ходимлари иштирокида 250 та ўқув машқлари, почта жўнатмаларига ишлов бериш ишларида банд бўлган 606 нафар ходим билан эса почта хавфсизлиги масалалари бўйича 308 марта ишструктаж ўтказилган. Янги ходимлар почта хавфсизлиги масалалари юзасидан сўхбатлар асосида ишга қабул қилинмоқда.

Почта хавфсизлиги бўлими томонидан 8 та ҳудудий ("Навоий почтаси", "Самарқанд почтаси", "Жиззах почтаси", "Бухоро почтаси", "Сирдарё почтаси", "Тошкент почтаси", "Тошкент почтама") ва "Халқаро почтама") акциядорлик жамиятларида почта хавфсизлиги бўлинмалари иш тафтиш қилинди. Текширишларда мазкур почта хавфсизлиги бўлинмалари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариб келаётгани маълум бўлди. Шу билан бирга айрим почта алоқаси корхоналарида назорат ўтказиш тартиби бузилаётганилиги, почта алоқаси акцидлари томонидан почта хавфсизлиги масаласига оид меъёрий ҳужжатлар яхши ўрганилмаганлиги сабабли ушбу ҳужжатларда қўйилган талаблар тула бажарилаётганилиги, почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташинишда фойдаланилаётган транспорт воситаларининг мавжуд талабларга мувофиқ жиҳозлаш масалалари тулқил ҳал этилмаётганилиги аниқланди.

Уйғаймиқли, почта хавфсизлиги хизмати бўлимлари мутасаддилари йўл қўйилган камчиликларини бартараф этишлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларига оғинмай амал қилиш юзасидан керакли чора-тадбирларни кўридилар.

**Р.ЗИКИРОВ,**  
"Ўзбекистон почтаси" ДАК  
бош директори

Жамиятда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини талаб қилиш салоҳиятининг ошиб бориши мажбуриятларни ана шу салоҳиятга боғлиқ равишда таъмин этишни тақозо қилади. Буюк мутафакир В.Гюгонинг таъбирича "Ҳуқуқ — барча ҳаққоний ва адолатли нарсалардир". Албатта, фуқароларнинг ўз давлати қўнун ҳужжатларини ҳурмат қилиши, унга ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини фақолатчиси деб қарашлари табиий ҳолдир. Албатта, ҳар бир қўнун одамлар ҳаётини яхшилаш учун яратилади. Аммо одамларнинг ўзлари ҳаётлари-

лиётда доимий равишда қўллашлари лозим. Агентлик тўлимидаги корхоналарнинг юқори ташкилотлари (акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамият ва бошқалар) қўнундан қарорнинг мукамал ижросини таъминлашини учун меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар ишлаб чиқиш керак бўлади. Шундагина миқозлар билан бевоқиф ишловчи филиал ва боғламаларда дебиторлик қарзлари бўйича иш юритиш тез ва сифатли олиб борилади. Давлат органларининг асосий талаби ҳам қўнун ҳужжатлари иж-

## ҚОНУНГА ҲУРМАТ ВА ИЖРО МУСТАҲКАМЛИГИ

ни яхшилашни истасаларгина қўнун ёрдам бериши мумкин. Зеро, қўнун унга буйсунган кишиларгагина ҳаётбахш таъсирини кўрсатади. Бугунги кунда республикамизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси билан боғлиқ бир қанча қўнун ҳамда қўнуности ҳужжатлар қабул қилинган. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қўнунлар мавжудки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналарнинг фаолиятида уларнинг ўрни бекиёсдир. "Ҳужжалик юришчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қўнун талаблари доирасида шартномавий ҳуқуқий муносабатларга киришиш, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қоидалари асосида шартномалар тузиш ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот учун мажбурий қоида ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 18 январдаги "Нотариусларнинг ижро хатига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатининг тўғрисида"ги 26-сонли қарорининг телекоммуникация тизимида фаолият юритаётган корхоналар учун ҳам амалий аҳамияти катта. Жумладан, нотариуснинг ижро хатига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатининг VI бандида телекоммуникация тармоқлари (телефон, телевидение ва компютер тармоқлари, радиозаниттириш шаҳобчалари ва бошқалар)дан фойдаланганлик учун абонент тўловидан қарзларни ундириш бўйича қоидалар белгиланган.

росини мустаҳкамлашни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлисининг I чақириқ VI сессиясида "... талай муҳим қонулар тегишли қўнун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаган, қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва қафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган", деган эди. Бу танқиддан нафақат давлат органлари, балки ҳар бир корхона ҳам муносиб сабоқ олиши лозим.

Жамиятдаги қўнунлар юзага келган маълум муносабатларни тартибга солиш учун яратилади. Қўнун ижодкорлигининг дастлабки кунларида тартибга солиш муносабатлари доираси кенг бўлмаганлиги сабабли амалдаги қўнунлар миқдори кам бўлган бўлиши мумкин, лекин бугунги кун тараққиёт даври, ундаги муносабатларни фақат қўнун билан бошқариш мумкин. Яратилаётган қўнунларга риоя қилиш билан қўнунланган талабларни лозим даражада бажариш ҳар бир шахс учун мажбурийдир. Г.Гейне "Ҳеч қандай қўнунга буйсунмаслик ўзини энг зарур ҳимоядан маҳрум қилиш билан баробардир, зеро қўнунлар бизни нафақат бошқардан, балки ўзимиздан ҳам ҳимоя қилгучидир", деган эди.

Ҳозирги кунда барча алоқа корхоналарида малакали юристлар фаолият кўрсатмоқдалар. Улар корхоналарнинг ички ҳужжатлари қўнун ҳужжатларига мослигини текшириш билан чекланмасдан, корхонанинг дебиторлик қарзларини ундиришда асосий ролни ўйнаши лозим. Умумий судларда, жойлардаги прокуратура органлари ва нотариал идоралар орқали дебиторлик қарзларни ундиришда лозим бўладиган ҳужжатларни тўплаш ҳамда уларни тақдим этиш ҳам корхона юристларининг вазифалари доирасига кирди.

**Ж.ҚОРАБОЕВ,**  
"Тошкент Телеком"  
филиали юристи

## МАТБУОТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

"Хоразм почтаси" АЖ Обуна бўлими ходимлари матбуотнинг маънавий аҳамиятини теран англайдилар. Тақдирларга кўра хоразмлик муштариларга "Матрифат", "Халқ сўзи", "Учитель Ўзбекистана", "Соёмлом авиол", "Қишлоқ ҳаёти", "Ишонч" газеталари, "Қишлоқ

нимисиз изланиши туфайли қатор матбуот нашрларининг муштарилари қўлайди. Ш.Матиевнинг ёрдамчиси Ровияжон Бобоқонова ҳам обуна жараёнига катта ҳисса қўшмоқда. Ҳамкасблар биргаликда обуначиларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатишмоқда.



— Инсон тафаккури, дунёқарашининг шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёсдир. — дейди Ш. Матиева. — Ҳар биримиз матбуот нашрлари ёки телерадио воситалари орқали ён-атрофимизда, умуман жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан воқиф бўлиб, ахборотга бўлган эҳтиёжimizни қондириб борамиз.

Обуна ишлари Урганч шаҳри ҳамда Богот, Хонқа, Хива, Қўшқўтюр ва бошқа туманларда ҳам яхши ташкил қилинган. Жойлардаги Муҳаббат Музабекова, Ражаббой Кенжаев, Умид Шарипов, Зафига Юсупова, Рашид Бобоқонова каби Обуна бўлимлари қўриқчиларининг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир.

Суратда "Хоразм почтаси" АЖнинг вилоят бўйича Обуна бўлими йўриқчиси ШИРИН МАТНИЕЗОВА.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,  
Хоразм вилояти

Агентлик таркибиди барча акциядорлик компаниялари, корхона, ташкилот ва қўшма корхоналар ишчи-хизматчилари диққатига!

Газетамиз саҳифасида ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш мақсадида янги — "HUQUQIY MASLAXATXONA" рўкни очилганини маълум қиламиз.

Ҳурматли муштарилар, ҳуқуқий масалалар хусусидаги савол ҳамда фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Сизларни қизиқтирган (исталган мавзуда) барча саволларга малакали ҳуқуқшунослар жавоб беришади.

**Манзилимиз:**  
Тошкент шаҳри,  
А.Толстой кўчаси, 1-уй.  
**Телефонлар:**  
144-29-09,  
136-35-29,  
факс: 136-36-42.  
Habar@uzapt.uzpak.uz

**ЭЪЛОН!**  
"Илҳом ва Асп" ижодий маркази тугатилади. Даволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.  
**Мурожаат учун телефон: 94-16-77.**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

"Ўзбектелеком" АК "Shaharlarqo aloqa korxonasi" филиали жамоаси корхона Маркази оморхонасининг собиқ мудири <b>Найля БАКИЕВА</b> нинг вафот этганлиги муносабати билан маруманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.	"Тошкент Телеком" филиали жамоаси корхона директорининг ўринбосари В.Цойга онаси <b>Зинаида ЛИННИНГ</b> вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.	"Тошкент Телеком" филиали жамоаси корхона ходими Т.Подпорнига онаси <b>Раиса ЦИГАНОВА</b> нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЯНГИЛИКЛАРИ

Бугунги кунда илгор компьютер технологиялари жадаллик билан ривожлангани сари, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида электрон воситаларнинг таъсири ортиб бормоқда. Компютер технологиялари ва Интернет тез суръатларда инсон фаолиятининг барча йўналишларига кириб келмоқда. Тараққийётнинг бундай ривожланиши биринчидан, микро даражадаги муаммони ечади, яъни иш юритаётган корхоналарнинг рақобатбардошлилигини оширади. Иккинчидан, ҳозирда энг долзарб масалалардан бири бўлмиш макрониктисодий муаммо — давлат ресурсларининг самарали ва тежаб ишлатилишига имкон беради.

лан киритилган сармоялар 580 млн. АҚШ доллари ташкил қилди. Шундан 360 миллиони ўзлаштирилди. Ички манбалар — давлат бюджети, банк кредитлари, корхоналарнинг хусусий маблағлари кенг тарзда жалб қилинмоқда. 2010 йилга бориб асосий телефонлар сонини ҳозиргига нисбатан икки баробарга ошириш кўзда тутилган.

Мустақиллик йиллари республика телекоммуникация тармоқларида хорижий инвесторлар (ДЭУ Телеком, Сименс, НЕК, Мицуи, Эриксон Никола Тесла, Алкател, Баки Коммуникейшн Корпорейшн, Эриксон Интернейшнл АВ ва бошқалар) билан ҳамкорликда рақамли космик алоқа каналлари ташкил этилди. Рақамли АТСлар ёрдамида рақамлаштириш даражаси 31,1 фоизга етди. Оптик-толали кабелларни қўллаган ҳолда Транс-Осиё-Европа ТОО ШТАЛЛ магистралининг миллий сегменти қурилиши амалга оширилди, 32,5 минг нуқтали АМТС, Бухоро-Нукус, Тошкент-Ангрен оптик-толали алоқа линияси ишга туширилди. Ангрен-Фарғона водийси РРЛ таъмирланиши амалга оширилди. Кўпгина қишлоқ АТС мижозлари автоматлаштирилган шаҳарларо ва халқаро телефон алоқаси тармоқларига уланishi имкониятига эга бўлдилар. Қишлоқ жойларда симли телефон алоқаси билан бирга симсиз радиоалоқа воситалари ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациясини ривожлантиришда хорижий инвесторларнинг кредити ва тўғридан-тўғри маблағ би-

Телекоммуникациянинг тез суратларда ривожланишида Интернет тармоғининг ўрни катта. Интернет тармоғидаги электрон почта, электрон таълим, электрон савдо, электрон бизнес ва электрон аукцион билан танишиб чиқайлик.

**Электрон почта** катта корхоналарда ходимлараро мулоқотда, йирик ишбилармонлар томонидан эса хорижий инвесторлар билан алоқалар учун ишлатилади. У жуда кўп афзалликларга эга. Масалан, юборилган хат сонлари ичида манзилга етиб боради. Сиз хоҳлаган жойда (уйдан, Интернет-кафеда, ишончадан) Интернет тармоғига уланган компютердан ўз "почта"нгизни очиб, келган хатларни ўқишингиз ва хат жўнатишингиз мумкин.

**Электрон таълим** олиш деганда, бевосита ўқув юртига бориб ўқиш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг Интернет тармоғи орқали мустақил равишда керакли билим олиши тушунилади. Бу сизга ўз мамлакатингиздан чиқмаган ҳолда дунёнинг бошқа жойларида тақлиф қилинаётган янги ўқув машғулотларида қатнашиш имконини беради.

**Электрон савдо** — Интернетда савдо-сотик ва ха-

рид қилишдир. Электрон савдо сизга ўз вақтингиз ва пулингизни тежашга ёрдам беради. Сиз эндиликда керакли товарни топишга вақт сарфламайсиз, буюрган нарсангизни қисқа вақт ичида етказиб беришади. Бундан ташқари, Интернет орқали сотилаётган буюмлар нархи дўконларда сотилаётган буюмлардан 30 фоиздан 50 фоизгача арзон бўлади. Чунки бунда сотувчининг жой, товарни сақлаш ва бошқа харажатлари нисбатан камроқ бўлади.

**Электрон бизнес**, яъни Интернет компанияларнинг истеъмолчилар билан ишлаши, бизнесни ташкил қилиши, товарларни етказиши ва ҳоказо.

Маълумки, кимошди савдолари қимматбахо ва антика буюмларни сотиш учун ташкил этилади. Бунда барча харидорлар маълум бир савдо залига йиғиладилар. Товарнинг бошланғич нархи эълон қилинади, сўнг унга энг юқори нархни тақлиф қилган харидор буюмини сотиб олади. Электрон кимошди савдоси ҳам худди шу тарзда амалга оширилади. Аммо унинг фарқи шундаки, харидорлар дунёнинг исталган жойидан Интернет тармоғи орқали махсус сайтларга кириб, аукционда иштирок этишлари мумкин.

Телекоммуникация олами жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда ва унга ҳар дақиқа, ҳар сонияда турли янгиликлар киритилмоқда. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсоният эришган ютуқлардан, хусусан ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлардан фойдаланиш мамлакат раванқида ва халқ турмушини фаровонлаштиришда тобора муҳим аҳамият касб этаётир.

**Ғолиб ЖАЛИЛОВ,**  
Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси



## ЯДРО СИНОВИ КОМПЮТЕРДА ЎТКАЗИЛАДИ

IBM корпорацияси АҚШ ҳукумати учун иккита ноёб суперкомпютер яратади. Бу борада аллақачон шартнома имзолаб бўлинган. Унинг нархи бююртмачига 290 миллион долларга тушади.

АСCI Purple деб номланувчи биринчи компютер ядро қуроли синовини моделлаштиради. Компютер 12 мингта процессорлар билан таъминланган бўлиб, бир сонияда 100 трлн.гача амални бажариш имкониятига эга. Бу ҳозирда мавжуд компютерлар қувватидан бир неча баравар юқори кўрсаткичдир. АСCI Purpleнинг дискида 1 млрд. китобга সিғадиган маълумотлар сақланиши мумкин.

Иккинчи суперкомпютер Ливермор миллий радиация лабораторияси учун махсус тайёрланади. Ундан метеорология ва глобал иқлим соҳасида тад-



қиқотлар олиб бориш учун фойдаланилади.

Россия ва Белоруссия ҳам бу борада АҚШдан ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Яқинда Белоруссия Миллий академияси президенти Михаил Месникович янги супер-ЭВМ яратилганини маълум қилди. Рус-белорус лойиҳаси (компютер бир сонияда 400 млрд. амал бажаради) Американикига етиши қийин бўлса-да, жаҳон компютер технологиялари бозорида бемалол рақобатлаша олади.

## ТАРИФЛАР ОШАДИ



"Москва шаҳар телефон тармоғи" ОАЖ Москвада телефон алоқаси хизмати тарифларини 30-35 фоизга ошириш ниятида эканини маълум қилди. Шу йўл билан МШТТ ўзининг молиявий аҳволини яхшилашга умид қилмоқда.

МШТТ бош директори Владимир Лагутин тарифларнинг оширилиши тўғрисидаги қарор жорий йилнинг иккинчи чорагидан қучга киришини эълон қилди.

## ИНТЕРНЕТГА ҲУЖУМ

Россияда "Корея чуваланги" деб номланган янги компютер вируси жуда тез тарқалмоқда. Жанубий Кореяда пайдо бўлган мазкур вирус бир неча кун аввал маълум бўлганди.

"Каспер лабораторияси" маълумотига кўра, Россия ва Болтиқ мамлакатларида "Корея чуваланги" дан бир қанча компютерлар зарар кўрган. Вирус асосан электрон почта орқали тарқалиб, турли файллар ичида яшириниб олади. Хатларнинг мазмуни ҳар хил бўлиши мумкин. Хавфли тарафи вирус хат очилмаса ҳам ўз таъсирини ўтказа олади.

"Чуваланг" тизимга кирган Windowsнинг тўлдирилган файли ва реестрни ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас. Замонавий антивирус унга бас келиши мумкин. Аммо шундай бўлса-да, бу компютер микроби жуда тез тарқалади ва уни бутунлай йўқ қилишнинг ҳозирча иложи топилмапти.



Internetdan olindi

## ТЕЛЕФОН ҚАЧОН ЯРАТИЛГАН?

Илгари асосан чопарлар воситасида алоқа боғланган. Ёзув пайдо бўлгандан кейин улар хат ташийдиган бўлишди. Ота-боболаримиз тоғ чўққилари, баланд қирлар, қалъалардаги минораларда машъал ёқиб ёки махсус белгилар ёрдамида ҳам алоқага чиқишган. Ишлаб чиқариш кучлари ўсган сари алоқа воситалари ҳам тобора такомиллашиб борди ва ниҳоят XIX аср ўрталарига келиб фан-техникада ўзгаришлар содир бўлди. 1832 йили рус олими П.Шиллинг биринчи телеграф аппаратини ихтиро қилди. Орадан беш йил ўтгач америкалик

С.Морзе ўз аппаратини яратди. 1843 йилдан бошлаб Морзе аппаратлари асосида шаҳарлараро биринчи телеграф алоқалари ўрнатилди.

1876 йили А.Белл Филаделфиядаги кўргазмада ўзи кашф этган телефонни намоиш қилди. Дастлабки телефонлар бир жуфт сим ҳамда махсус электромагнит галтагидан иборат бўлган жуда содда асбоб эди. 1895 йилга қадар телефон ва телеграф алоқаси фақат сим орқали ўрнатиларди. Ҳақиқатан ҳам улардан радио ихтиро қилингандан сўнггина симсиз алоқага чиқиш имкони туғилди.

## ПОЧТА АЛОҚАСИДА ИНҚИЛОБ

Қишлоқ ўқитувчиси Руоленд Хилл ўз саёхатларидан биринчи Ирландиянинг кичик шаҳарчасидаги меҳмонхонада тўхтади. Каретадан тушаётиб меҳмонхона эшиги олдида почтанинг гўзал бир қизга мактуб топширганини кўради. Сохибжамолнинг ўз қаллиғидан келган хат учун пул тўлай олмаслигини

эшитиб, унга бир шиллинг ҳада қилади. Худди шу лаҳза Хиллнинг ҳаёлида почта хизмати ҳақини олдиндан тўлайдиган қилиш керак, деган аjoyиб бир фикр туғилади.

1837 йил, 6 январда у ўзининг почта ислоҳоти ҳақидаги лойиҳасини "Почта маҳкамаларини ислоҳ қилиш ва ривожлан-

тириш" номи билан рисола тарзида эълон қилади. Унга кўра, бир томони елим суртиб хатжилдга ёпиштириб қўйилдиган ва почта муҳри босилдиган кичкинагина қоғозча жорий қилинади. У бугунги почта маркасининг ўзгинаси эди. Лондонда 1882 йили Руоленд Хиллга қўйилган ҳайкал ҳозирги кунда ҳам унинг хизматлари катта аҳамиятга эга эканлигини эслатиб туради.



14 ФЕВРАЛ – БУЮК САРКАРДА, ШОҲ ВА ШОИР ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

РҶБОИЛАР

Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен, Кўз оқида қошки савод этгаймен, Киприклардин анга қалам рост қилиб, Кўз қаросидин анга мидод этгаймен.

Номанги, тириклитим нишонин эрди, Хар сатри ҳаёти жовидони эрди, Хар лафзида ошкор юз ҳарфи вафо, Хар ҳарфида юз меҳр ниҳоний эрди.

Хаттинг била кўнлагингни ирсол эттинг, Қайгу била меҳнатимни помол эттинг, Ул хат била хотирмини хурсанд айлаб, Бу кўнглак ила кўнгулни хушҳол эттинг.

Тoлиб йўқи жонимга балoлиг бўлди, Хар ишники, айлаҳим, хатолиг бўлди. Ўз ерни қўйиб Ҳинд сари юзландим, Ёраб нетайин, не юз қарoлиг бўлди.

Хар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур, Хар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур, Яхши киши кўрмағай ёмонлиг ҳаргиз, Хар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур.

ҒАЛАТИ ГАПЛАР

Илҳом париси қари шоирнинг кўксига бошини қўйганича узоқ йиғлади. Аниқ фанлар бор бўлса, дeмак ноаниқ фанлар ҳам бор экан-да? Бу гоё сизники, аммо очкич ҳақиқат шулки, сиз унинг отаси эмассиз.

Бу кўнчалар осмоннинг поёнсизлигидан чуқшиб, қафасни афзал кўрди.

Қўшиб ёшини уйдalагани учун ёзувчиға мукофот бeришиб, нахтакорни жазoлашaнлари тилати.

Иши юришмаган одамлар зорланиб хузур қилдилар.

Биз уйдаги ганин кўчага олиб чиқмоқчи эмасдик, афсуски уй торлик қилиб қолади.

Махсус тажриба ўтказмасдан аниқаса бўладиган ҳақиқатлар ҳам бор.

Улкан ишларда баъзан илм халал бeради.

Айрим адулгаримиз бошлари тошга текканда англайдиган ҳақиқатларга бу камсуқум одамлар умр бўйи амал қилиб яшайдилар.

Нафас олиш ва чиқариш ҳали тўла тириклик аломати бўла олмайди.

Бу ёмгирлар бизни гуноҳларимиздан поклаш учун юборилганлиги шундоғам сезилиб турибди-ку.

Ҳамроқул АСҚАР

БОЛАЛАРНИ ОРТИҚЧА УРИНТИРМА

BU — QIZIQ!

Калифорния сенатда ўқувчиларнинг осма портфеллари оғирлигини чекловчи лойиҳа қўриб чиқилган эди. Калифорнияда ҳар йили беш мингга яқин мактаб ўқувчилари оғир юк кўтарганлиги боис жараҳатланиб, тез ёрдам пунктларига тушиб қолимоқда. Вазни 45 килограмм бўлган мактаб ўқувчиси елкасида оғирлиги 7-9 килограмм бўлган дарсликлар, нонуш-ча солинган бир килограммлик ланч-бокс кўтарган ва бунинг ус-

тига ғилофдаги чолгу асбобини қўлтиқлаган ҳоллар оз эмас. Шу тариқа йил давомида мактаб ўқувчиси ўртача оғирлиги 11 тонна бўлган юкни ташини ҳисоблаб чиқилди. Ҳалдан ташқари юк босими умуртқанинг қийшайиб қолишига, тос суяги билан сон суягини туташтирган бўғим шаклининг ўзгариши ва ҳоказоларга олиб келади. Америка ортопедлар уюшмасининг хулосасига кўра мактаб ўқувчилари ўз вазиларининг 15 фоизидан ортиқ юкни кўтариб юрмасликлари керак.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Андижон почтаси” акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Ҳўжабод почта алоқа шахобчаси директори **Латифжон Тўқабевни** 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклади. Унга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик, ишларига омад тилаб қолади.

\*\*\*

“Сирдарё Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхона директорининг муовини **Бўтанбой ВАЙСОВНИ** 60 ёшга ва ВОЛС бўлими бошлиғи **Собиржон УМАРОВНИ** 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий қўталайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, ишларига Аллоҳдан ривож тилайди.

Лондонлик актёрлар Чарлз Чаплин ва Ханна Хилл оиласида 1889 йилининг 16 апрелида дунёга келган Чарлз Спенсер Чаплин яшаш учун ҳаракатни жуда эрта бошлади. Ёш Чарли табиған ўта эҳтим, кузатувчан ва ҳажини юксак ҳис қилиш натижасига юқтиришда фавқулодда истеъдод соҳиби эди. Онаси бир пал боласини бежиз қўйидагича алқамagan: “Боланим, қачондир сен жуда ҳам машҳур кишига айланасан”. Чаплиннинг кейинги ҳаёти мана шу ҳаққоний айтилган фикрни тасдиқлади.

У саккиз ёшида “Саккиз ланкшар йиллиги” рақс гуруҳида қатнаша бошлади. Зулмо томошабиннинг диққати Чарлига қаратади. Шухратнинг дeстлабқи мевалари уни янада янги ютуқларга етаклади. Бунда унга утай акиси Сиднейнинг кумаги катта

Бу пантомимо ва сўзсиз томоша театрнинг ҳомийси Фред Карно бўлиб, ака-ука Чаплинларни ўзида ишлашга таклиф этди. Шу тариқа “Кулгу хоқони” ҳомийлигида Чарлининг самарали фаолияти бошланди. У 1910 йили труппа таркибида бутун АҚШ бўйлаб кенг куламини гастролларда қатнашди. Бу унга катта кинога чиқиш имкониятини яратиб берди. 1913 йили “Keystone” студияси соҳиби Адам Кессел у билан ҳафтага 125 долларли шартномани имзолади. Ушша пайтда кино саёғатини халққа етказишда муҳим ишлар амалга ошириляётган эди. АҚШда сўзсиз кино намойиши учун 20 мингта кинозал барпо этилганди. Бир ярим йил ўтгач, Чарли бошқа йирик киностудия билан шартнома

• MASHHURLAR HAYOTI

рашиб, унга уйланимқонилигини айтиди Америкага қайтиб келади. Шундан сўнг Марина актёрни қидириб уйига боради. Чаплиннинг уйланигини эшитиб, жанжал кўтарди. Ҳатто бог ичида ўзини ўлдирмасин деб қўрқитди. Маринани бир амаллаб ўз уйига жўнатиб юборишди. Пола Негри рашик аёл эди. Шу баҳона сабаб улар ажралашиди.

Унинг бушаб қолган юрагини Лилита Макморей тўлдирди. Чаплин Лилитани 12 ёшдан биларди. Лита Грей (Чаплин унга шундай тахаллус берган) “Кичиквойт”га таклиф қилинганда 16 ёшга ҳам тулмаганди. Улар уч йиллик никоҳи вақтида икки ўғил кўрдилар. Никоҳнинг бекор қилиниши эса Чаплинга миллион долларга тушди. Бу пайтга келиб Чаплиннинг лoқимда ҳам қийинчиликлар вужудга келганди. Чунки 1928 йили жаҳонда биринчи овозли фильм дунё юзини кўрганди. Чаплин эса бунга қарши навбатдаги “Соқов” филми — “Цирк”ни яратди. Кейингиси эса “Шаҳарда ёнган” бўлди. Бу унга катта даромад келтирди. Чаплин ушша пайтви шундай хотирлаганди: “12 ойнинг ўзида “Нью-Йорк бўйича “Шаҳарда ёнган”дан 400 минг доллар соф даромад топдик”.

1940 йили Чарли янги тавниши 22 ёшли Полметт Годдар билан бирга биринчи овозли филми — “Буюк диктатор”да рол ўйнади. Мазкур фильм йилнинг унта иккинчи филми қаторидан жой олади. Фюрер танқид остига олинган бу фильм нафақат фашистлар Германиясини, балки Америкадаги йирик танк савдогарларини ҳам Чаплинга қарши қилиб қўйди. Шундан кейин Федерал Қидирув Бюросида унга қарши иш очилди.

Судма-суд юришлар буюк Чаплиннинг асабига таъсир этмай қолмади. Бу оғир ҳолатларда Нобел мукофоти совирдор Ожюна О’Нилнинг қизи Уна О’Нил унинг жонига оро кирди. Улар сўнгги дeмoграфиа бирга яшаб, саккиз фарзанди бўлгандилар. Шу йиллари унинг “Жаноб Вердо”, “Рампа чироқлари” филмлари экрани юзини кўрди. 1952 йили фильм тақдиримда қатнашган учун Англияга кетган 63 ёшли Чаплин дўшманлари тухмати билан Америкага қайтмай Швейцариянинг Корсе-Сюрневе тоғ қишлоғида яшай бошлади.

Шу ерда у “Нью-Йорклик қирол”, “Тонконглик қирол”, “Дарабад жангелтеми” филмларини суратта олади. Уни Америкага ҳар ҳа тадбирларга таклиф қила бошладилар. Бирок у рад жавобини бeради. 1972 йилдагина Оскар мукофоти тақдиримда қатнашган учун АҚШга келади. Ушша даврининг машҳур кино арбоблари унинг олдига айбодор жанжалларини ихдор қилишиб, таъзим қилдилар. Чарли Чаплин ҳаётининг сўнги йилларини Женеванинг сулим ва сокин жойидаги хонадонда оиласи ва неваралари курашовида ўтказди. Буюк актёр 1977 йилнинг Рождество байрами субҳидамида оламдан ўтди.

Изат АҲМЕДОВ тайёрлади

КУЛГИ ҚИРОЛИНИНГ ҚАЛЛИҚЛАРИ

... 1978 йилининг сокин март ойи кечасида Швейцариянинг Корсе-Сюрневе қишлоғидаги қадростон қоробули муҳаббати ҳолатида чикиб қолди. Бу ерда манеу кўйин топган “Чарлз Спенсер Чаплиннинг қадрли қазиниб, майити ўтирлаб кетилган эди. Мурда икки ярим ойдан сўнг тобути билан бирга тошди. Чаплиннинг дебаси Уна мурда талончилари билан алоқа доғламаганини сабабини куйидагича изоҳлади: “Эрим менинг қалбимга ташади. Уни ҳеч ким ўтирлаб олмайди”. Полициянинг тезкорлиги натижасида қадр талончиси сўг хўкмига топширилди. Хўкмда куйидаги сўзлар қайд этилганди: “...Марҳумнинг тинчини бузгани учун...”

Ҳаётдаги кетмакет муваффақиятлар ва шон-шухрат Чарлини “юдузлик” касалига гирифтор этди. Маълумки, юдузлик хасталигининг ажралмас қисми аёллар билан боғлиқдир. Чаплин машҳурлик шохсўласига кўтаришган сари ун йил илгари оддий ҳолек



булди. Ун ёшида Лондоннинг “Отчопар” театрига ишлашга таклиф этилган Чаплин кўп ўтмай Англиянинг энг машҳур болакайига айланди. Бирок ёш қалб анги-янги чўққилар сари одимляётган кeздa омадсизлик гирдобиға тушиб қолди. Унинг ҳаётида чўқур гам иллари қолдирган муҳабб қўнлари бошланганди.

1901 йилнинг май ойида эндигина 12 ёшга тулган Чарлининг ичкиликка ружу қўйган отаси бу дунёдан кўз юмди. (Бундай муҳитда ўстан синчков Чарли ўзи ичмаседа, кўп йиллар ўтгандан сўнг омадсиз арокўр рoлини муваффақиятга ижро этганди). Бу вақтда Чарлининг оиласи Ханна ружий касалликлар шифохонисида умривинг поёнини кўтиб ётарди.

Каровсиз қолган болалар хайриг етимхонасида панаҳ топдилар. Бундай оғир кулларида Чаплинга ролларни саҳнада эмас, ҳаётда ижро этишига тўғри кeлди. Икки йил мoбaйида сарпарошхона ва иш қотғoзлари моллари дўқонида дастёр, доктор кўмакчиси бўлиб ишлади, ойна фабрикаси ва бoсмaхoнада турли юмушларни бажариб юрди. Дарвоқе, бу воқеалар Чарлининг икoлдй фаолиятида асқотди. 1903 йили у маҳаллий труппа тайёрлаган “Шерлок Хoлмс” томошасидаги гeзeтaчи бола рoлиға таклиф этилди. Учи йилдан сўнг эса астойдил уринишлари натижасида сўзсиз рoллaр ижро eтyвчи актёр сифатида ишға қабул қювилди.

“Соқов” комедиянинг булгуси қирoли 17 ёшга тулгандан унинг ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўла бошладу. У акиси Сидней билан “Отчопар” гуруҳида “Тамбир” саҳна асарини намoйиш eттишeтган кeчaга бaшланг қийинган бир жанoб ҳам ташриф буюрган эди.

булиб қолган саҳналарда рол ўйнаш таклифларини рад eтa бошладу. Айни пайтда Гoлливудга ўз бахтини излаб кeлган ёш, бoқира қизлар унинг диққатини тортимай қoлмaсди. Чарлининг қармоғига илгинган шундай қизлардан биринчиси Эдна Первенсдир. Аммо қизнинг нозик ҳиссиёти унинг қалбини забт eтa oлмади. Шунга қарам, Эдна унинг кинодаги шеринги сифатида тарихта муҳаббoб қoлди.

Чаплин 29 ёшида 16 ёшли Миладре Харрисни учрети. Уларнинг висoл oылари Миладренинг ҳомилдорлиги аён бўлгач, тўй билан яқин топди. Аммо бу никоҳ қанча тез содир бўлган бўлса, шунча тезлик билан бeрхам топди. 20-йиллар бошида кўл eтмас чўққига айланган Чаплин билан Американинг бирорта киностудияси ҳамкорлик қилишга имкон тополмас эди. У шахсий кинокомпанияи ташкил eттиб, ўз филмларини яратишга қарор қилди. Шу тариқа “United Artists” киностудияси юзaга кeлди. Улар суратта олган “Кичиквойт”, “Пилитрим”, “Парижлик аёл” филмлари Чаплиннинг шухратига янада шухрат қўшди. 1923 йили Гoлливудда “Парижлик аёл” филминини яратиб дaврида Чаплин пошшалик Пола Негри билан танишиб қoлди. Чаплин у билан оила кўрди. Бирок Чарли Берлинда кинога олиш жараёнида ёш мексикалик Марина Варга билан уч-

МУАССАСА: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги. Бош мухarrир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Алишер ХУҲАЕВ, Шухрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Бош мухarrир уринбосари), Мирғўлoл МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. Факс: 136-36-42. Хабар@uztap.uz ИНДЕКС: 64600 Жума кўнлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма №1Г-165. 10613 нусхада чоп этилди. Офсет усулида бoсилди. Бичими А-3, ҳажми 1 бoсмa тaбoқ, Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақланганди.

“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБAA АҚЦИАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. Мoнaстир: Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрoн» кўчаси, 41-уй. Матн тeрyвчи: Д.МАТКУРБОНОВА Саҳифалoвчи: Ш.КИМСАМБОВ. Бoсилгa тoпширилди — 18.00 Бoсилгa тoпширилди вақти — 18.00